

Биринчи дафъа «Ўтган кунлар» тўгрисида, тўгрироги, Отабек — Кумуш киссаси хакида олти-этти яшар чоғимда дадамлардан эшитганман.

Ўттизинчи йилларнинг ўртаси. Дадам, ўн тўккизинчи йилдан партия аъзоси, катта ишларда ишлаб келган одам, нима учундир, ишдан четлаштирилиб, кишлокка кайтиб келган пайтлари.

Хар окшом катта меҳмонхонамиз одамга тўлиб кетади. Кўни-кўшнилари, кариндош-уруғлар, киз-келинчаклар йигилади. Аксарияти ёшлар.

Дадам таҳмондаги китоблар орасидан жигарранг жилдли калин бир китобни олиб секин вараклайди. Мен унинг тиззасига суяниб китобнинг безаклари, ажойиб суратларини томоша киламан. Бу китоб — «Минг бир кеча»нинг 1905 йили босилган рус нашри (кейинчалик мен бу китобни канча изламай тополмадим!) эди.

Дадам китобни ўқимади, бир неча бетини ўйчан вараклайди-да, кейин секин хикоя кила бошлайди.

Бу хикоялар аксарият тун ярмигача, баъзан хўроз кичкиргунча давом этади, мен ҳам оймларнинг «ёт» дейишларига кулок солмай, мижжа кокмай эшитаман. Эсимда бор: менга айникса машур сайёҳ Синдбоднинг саргузаштлари хуш ёкиб тушарди.

Шу киш окшомларининг бирида дадам кора муковасининг устига йўл-йўл ок чизик чизилган калингина бир китоб топиб келди.

Китобнинг биринчи бетиди — бошида духоба дўппи, эғнида кора гимнастёрка устидан кийилган ола тўн, тўладан келган, учбурчак мўйловли бир одамнинг сурати бор эди.

— Бу — «Ўтган кунлар» деган ўзбекча роман, — деди дадам. — Уни мана шу одам ёзган. Исм-шарифлари Абдулла Кодирий Жулкунбой...

— Жулкунбой? Козокми?

— Йўк, — деди дадам кулиб. — Ўзбек. Жулкунбой бу кишининг тахаллуси. Ёзувчилар баъзан ўз исmlарини ўзгартириб, бошка исм танлашади.

Китоб кўлдан кўлга ўтиб, яна дадамга кайтди. Дадам шошмасдан ўқишга киришди. Мен ҳам «маза килиб эшитиш» учун дадамнинг тиззасига суяниб, яхшироқ жойлашиб олдим.

Учинчи ё тўртинчи окшом ярим кечада уйғониб кецам, китоб ўкилиб бўлган, киз-жувонлар кўз ёшларини артишиб, пик-пик йиглашар, эркаклар огир сукут саклашар, дадам эса ёзувчи хакида секин хикоя киларди.

Дадамнинг хикоясидан эсимда колганлари шулар:

— Абдулла Кодирий — улкан ёзувчи. Ўзиям ажойиб одам... Хукумат унга ҳамма имкониятларни тугдириб берган. Тошкентда унинг катта боғи бор. У хар куни эрта сахар уйғониб ёзишга ўтиради. Чарчаган пайтлари чикиб, боғда ишлайди.

Йиллар ўтди. Ўсиб-улгайиб китобга ташналигим, ишким, меҳр-мухаббатим ўсиб борган сари «Абдулла Кодирий...», «Ўтган кунлар...», «Меҳробдан чаён...» деган гаплар кулогимга тез-тез чалинадиган бўлди.

1943 йилнинг охири ойлари, тўккизинчи синфда ўқиб юрган чоғларим.

Бир кун синфимизга янги ўқитувчи — фронтдан ярадор бўлиб кайтган ёшгина йигит кириб келди. У «харбий иш»дан дарс бера бошлади, лекин адабиётга жуда кизикса керак, хар куни бир китоб кўтариб келар, болаларга вазифа топшириб кўйиб, ўзи китоб ўқиб ўтирарди. Лекин бу канака китоб эканини хеч ким билмас, чунки, асарият китобларнинг жилди коғозга ўралган бўларди.

Кунлардан бирида ўқитувчининг укаси, синфдош дўстим мени четга тортиб:

— Кеча акам «Ўтган кунлар»ни топиб келди, — деб колди. Дарсдан кейин «Ўтган кунлар»ни бир кечага сўраб олиш умидида синфдош огайним билан бирга уларникига бордим.

Биз борганимизда, домла олдида каттик нон, икки кўзи аллакандай китобда, чой ичиб ўтирарди.

Мен дудуклана-дудуклана илтимосимни тушунтира бошлаган эдим, ўкитувчимиз ковогини солиб:

— «Ўтган кунлар»ни ўқиш мумкин эмас. Билмайсанми? — деди кўзимга тикилиб.

Мен хаяжондан энтикиб:

— Мана, сиз ўқияпсиз-ку? — дедим. Ўкитувчининг юзида билинар-билинемас табассум пайдо бўлди.

— Биринчидан, мен ўкитувчиман, ёш бола эмасман, — деди у. — Иккинчидан, мен уни танкидий кўз билан ўқийман.

— Мен ҳам танкидий кўз билан ўқийман. Домлажон, бир кечага бериб туринг. Эрталаб олиб келиб бераман. Хеч кимга айтмайман.

Домла сал юмшади, лекин хамон бир карорга келолмай пешонасини ишкади.

— Бир кечада-ку ўқиб тугатолмайсан-а?

— Ўқиб чикаман, — дедим мен. — Албатта, ўқиб битираман!

Домла кулиб юборди.

— Хўп, майли, аммо ўзинг ҳам дейман... бир ёпишсанг кўймас экансан!

У ўрнидан турди ва тоқчадаги пиёла-чайнакларнинг оркасига кўл сукиб, калин саргиш коғозга ўралган бир китобни олиб берди.

— Ма, кўйнингга тик. Хеч ким кўрмасин. Кейин... эртага демайману, индинга олиб келиб бер. Уқдингми?

— Уқдим! — Мен унинг айнаб колишидан кўрқиб, китобни кўлтигимга урдиму эшикка отилдим.

Ўша кеча мижжа кокмадим. Тонг пайти охириги саҳифани ўқиб бўлдим. Китобни ёпиб бокка чикдим.

Хўроз учинчи марта кичкирган. Япроклари тўкилиб, ялангоч бўлиб колган богда шабада бебошлик килади, кекса ўриклар, ичлари ковак олмалар хазин чийиллайди, нола килади, олча нихоллари, ёш олхўрилар юз мукомга тушиб эгилиб-эшилади.

Мен юзимни шабадага тутиб богда узок айланаман. Кўз ёшларимни артмай, хўнг-хўнг йиглайман...

Ўша махалгача хеч бир китоб мени шу қадар ларзага солмагандир. Гўё Отабек менинг ўз акам. Кумуш эса ўз келинойимдай уларнинг тақдирига ич-ичимдан куюнаман, изтироб чекаман. Адабий «сир»лардан беҳабар: «Аттанг, шу хўракни Зайнабга топширмай, Ўзбек ойим ўзи килганда-ку, бундай бўлмас эди!» деб афсус чекаман... Айни замонда кўнглимда хеч бир губор, ёмон асорат йўк...

Бошларига кўп мусибат тушган, кўп довул ва бўронлардан ўтиб чиниккан одамлар хар қандай фожиага ҳам мардоновор туриб берадилар, сабот ва олижанобликни кўлдан бой бермайдилар. Шунинг учун уларнинг фожиаси сизни эзмайди, балки сабот ва матонатга ўргатади, олижаноблик ва мусарффоликка чорлайди, шунинг учун ҳам сиз Отелло билан Дездемонанинг фожиали тақдирига кўз ёши тўқаркансиз, бу кўз ёшлар калбингиздаги хамма губорларни ювиб ташлагандай бўлади, ўзингизни аллакандай софрок хис этасиз, калбингиз одамларга ҳамдардлик, ҳамжихат бўлиш, яхшилик килиш истаги билан тўлиб-тошади... Отабек — Кумуш фожиаси ҳам назаримда, менга хаётнинг теран ва

чигал томонларини кўрсатган, мен гўё беш-олти ёш улгайган, айна замонда дилимга аллакандай хазин ва ёруг нур куйилган эди...

Кўп йиллар ўтди. Мен ҳам адабиёт майдонига кириб, яхши-ёмон бир-иккита асар ёздим. Бу пайтларга келиб «Ўтган кунлар»ни кайта ўкиб чикдим. Бу сафар китобнинг кўп фазилатлари билан бирга айрим заиф томонлари |иам кўзимга чалинди. Лекин улгайганда олган таассуротларим хақиқатга канчалик якин бўлмасин, китоб устида кўз ёш тўкиб тонг оттирган ўша дамларим, эрта сахар хувиллаб колган бокка чикиб, танхо кезган пайтларим сира-сира эсимда чикмайди...

Бу вокзадан кейин сал ўтмай, халиги ўкитувчимиз вафот этди. Ярадор бўлгани етмагандай, фронтда ўпкасини совук урган экан, кўкламга чикмасданок узилди. Яна бир-икки ой ўтди. Кишлоқда бирга тепишиб ўсган дўстларим фронтга жўнайдиган бўлиб колишди. Гарчанд, мен бир ёш кичик бўлсам ҳам, дўстларимдан айрилишга, улардан колиб кишлоқда юришга виждоним ёр бермади-ю, ариза бериб ихтиёрий равишда урушга кетадиган бўлдим.

Эртага жўнаймиз деган куни кечкурун мен мархум ўкитувчимизнинг уйига бордим ва унинг укаидан «Ўтган кунлар»ни беришини илтимос килдим.

Урушга кетаётган одамнинг илтимосини кайтариш кийин. Ўкитувчимнинг укаси кийнаиб бўлса ҳам китобни берди.

Мен уни копдаги талкон, туршак ва каттик нонлар орасига солиб, оркалаб олдим. Биз кишлоқдан бир йўла кирк чоғли йигит чакирилган эдик. Бир-икки ойдан кейин бўлиниб-бўлиниб ўн чоғли йигит колдик. Минг тўккиз юз кирк бешинчи йилнинг ёзида шу ўн чоғли йигит фалакнинг гардиши билан Мўгулистон даштларига бориб тушдик. Каёкка караманг бепоён дашт. Тап-такир жигарранг адирлар. Каламуш илма-тешик килиб ташлаган ясси кирлар. Кундуз жазирама иссиқдан кирадиган жой тополмайсиз, кечаси эса сел ёгади, совукан тишлар шак-шак килади...

Биз олис-олисларда колган она юртни, дўппи билан сув ичган булокларни, тиззадан тупрок кечиб юрган кишлоқ кўчаларини соғинамиз. Дўппи-дўппи ўрик териб кизларга тутган чоғларимиз, пода кутиб ўмбалок отиб ўйнаган сойликлар, сув сепишиб чўмилишган анхорлар кўз олдимиздан кетмайди. Кечалари даштдаги чайлаларда бир-биримизнинг пинжимизга сукулишиб ётарканмиз, кишлоқ кизларининг мулойим чехраларини, хазин ва шўх лапарларини кўмсаймиз, кўмсаймизу бутун вужудимиз билан киндик конимиз тўкилган она тупрокка талпинамиз... Ана шундай пайтларда, буюм халтамни очиб, ўк-дори, каттик нон ва консерва кутилар орасида ётган «Ўтган кунлар»ни оламан. У соғинган калбларимизга аллакандай таскин беради, ташна дилларимизни нима биландир кондиргандай бўлади. Биз Отабек — Кумуш саргузаштининг мунгли ва ёруг сахифаларини кайта-кайта ўкирганмиз, гўё суюкли кишлогимизга бориб келгандай, кариндош-уруг, ёр-биродарларимиз билан дийдор кўришгандай бўламиз... Нур билан йўгрилган севги сахифалари эса... ўз севгилларимизни эслатади. Биз гўё олис-олисларда колган кишлоқ кизларини кўргандай, уларнинг шўх киликлари, хазил-мутойибалари, куй ва кўшикларини эшитгандай бўламиз... Ха, халкимизнинг баъзи иллатларини шафкатсиз фош этган, айна замонда энг яхши урф-одатларини, ўзига хос фазилатларини ажиб бир шоирона мухаббат билан тараннум этган бу улкан асар белимизга кувват, кўнглимизга далда берар эди. Шунинг учун ҳам мен бу китоб ва уни яратган буюк инсон олдида хамиша бош эгаман, кўлим кўксимда, хамиша таъзим киламан.

Бугун, бир неча йилдан кейин, «Ўтган кунлар»ни қайта қўлга олдим.

Энди, ёзувчилик «сирлари»ни озми-кўпми ўрганганимдан кейин, романнинг бутун реалистик кучи ва кишини ром килувчи гўзаллиги ҳам, характерларнинг бетакрор миллий колорити ҳам, шу билан бирга реалистик услубда ёзилган ва бугунги китобхон учун сунъийдек туюладиган айрим саҳифалар ҳам кўзимга ташланади.

Масалан, хаётда кўп нарсани кўриб чиниккан, тажриба орттирган Отабекдай йигитнинг худди ёш бир ўспириндай Кумушга ошиқ бўлганини ҳаммадан яшириб, кечалари тўлганиб чиқишлари, айникса оддий хизматкор Хасанали ундан яширикча совчига боришлари, ниҳоят бу сирлардан беҳабар Кумушнинг никоҳ кечаси: «Сиз ўшамми?» деб «кутилмаган бахт»га муяссар бўлиши... бунинг ҳаммаси китобхонга асарнинг таъсир кучини ошириш учун, «эффект» учун қилинган, яъни, бошқача қилиб айтганда — «ясалгандек туюлади». Назаримда, романнинг «Хукмнома» боби, Кумуш жаллод қўлига топширилган Отабек билан Қутидорни хат воситаси билан дор тагидан қайтариб, қутқариб қолиши ҳам эртақлардаги вокзаларга ўхшаб кетади. Лекин кизик: романи дастлаб ўқиган ўн олти-ўн етти ёшимдаку, бу нарсаларни билмас эдим, бироқ нега ҳозир, ёзувчилик «сирлари»ни оз-моз билганим ҳолда, сунъийликни сезганим ҳолда «Ўтган кунлар» хануз мени ҳаяжонга солади, чексиз завқ беради, титратади?..

Китобни очаман. «Жодугар хинди» деган бобни ўқий бошлайман. Ўзбек ойимнинг галати гаплари, Хасаналига човут қилишлари, Кумушнинг хийлакорликлари ҳақидаги таъналарини ўқиб, қотиб-қотиб қуламан, қуламану тўсатдан бу хотин менга жуда таниш эканини ҳис этаман. Мен бу хотинни — бир маҳалнинг ўзида ҳам меҳрибон, ҳам шафқатсиз, бир қарашда жуда ўқтам бўлса-да, аслида ниҳоятда софдил, «думбул табиат» бу аёлни болалигимдан бери танийман. Мен уни ҳар бир қишлоқда, ҳар бир маҳаллада кўрганман. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқнинг ўз Ўзбек ойими бор, ёзувчи айтгандай, буларсиз на тўй ўтади, на аза! Хатто эртақлар ҳам уларнинг маслаҳатсиз иш қилишмайди!

Менинг учун Ўзбек ойим «Ўтган кунлар»даги энг хаётий, энг жонли, энг мукамал образлардан бири! Бу образ Абдулла Кодирийнинг улкан реалист ёзувчи эканлигидан далолат беради. Романга ниҳоятда хаётий бир руҳ киритади. Гарчи, эпизодик бўлса-да, Азизбек, Муслмонкул чўлок ва Хушрўйбиби тўғрисида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Романда бу образлар бўлмасин-чи ёки улар сал бошқачарок, майинрок бўёқлар билан қизилган бўлсин-чи, Отабек — Кумуш фожиаси эҳтимол оддий мелодраматик бир вокзага айланиб қоларди!..

\* \* \*

«Ўтган кунлар»нинг «Қудаларни қутиб олиш» бобида шундай бир жумла бор: «Кумуш салом берди ва қўлидаги паранжисини ерга ташлади, югуриб келиб ўзини Ўзбек ойимнинг қучоғига отди. Ўзбек ойим ҳам уни маҳкам сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб, ўргилар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиглар эди...» Гарчи ёзувчи бу ўринда «нима учундир» сўзини ишлаца ҳам, китобхон Ўзбек ойимнинг «нима учун йиглашини» жуда яхши тушунади.

Ўзбек ойимдай содда ва софдил аёл Кумушнинг гўзаллигини, унинг бўлакча жозибасини, тортинчок, уятчан табассумини кўрганида ўзининг ноҳақлигини, унга нисбатан қилган

адолатсизликларини, уни бахтсиз килиб кўйганини тушунмаслиги мумкин эмас эди. Ўзбек ойим, соддадил аёлларга хос бир сезгирлик билан буни тушунган ва ўз килмишидан пушаймон бўлиб, кўз ёши тўкар ва бу билан Кумушдан кечирим сўрар эди... Бир китобхон сифатида буни мен ҳам сезаман ва беихтиёр кўзимга ёш оламан... Ёзувчининг махорати деб, ўз кахрамонининг дилини билиши деб — мана буни айтадилар!..

\* \* \*

Одатда, Кумушнинг ўлими тўгрисида, тўгрироги китобхон буни сеза бошлаши хақида гап кетганда Зайнаб билан Хушрўйбининг сухбатини, баъзан Отабекнинг тушини эслайдилар. Лекин мен бу фожиани Кумушнинг Тошкентта келиши тасвирланган саҳифаларданок хис этаман.

Бу саҳифаларни — романнинг энг тиник, энг ажойиб жойлари деса бўлади. Кудаларнинг кутиб олиниши, яна тўгрироги Юсуфбек хожининг Ўзбек ойим ва Отабек билан, Отабекнинг эса Зайнаб билан сухбати, сўнг кудалар зиёфати, Отабек билан Кумушнинг яширинча учрашуви, Кумушнинг сўз ўйинлари, ёлғиз колган икки кундошнинг аччиқ кинояларга тўла сўзлашуви, ниҳоят, Офтоб ойим билан Кумушнинг видолашув кечалари шундай зўр реалистик бўёқлар билан чизилганки, сиз хар бир одамни кўриб турасиз, гўё бу сухбатларда иштирок этасиз, дам куласиз, дам ачинасиз, дам маъюс туйгуларга чўмасиз. Айни замонда, хар бир кахрамоннинг дард-хасратини, ўйларини, улар сизга ўхшаган оддий одамлар эканини чуқуррок тушунасиз. Бу саҳифалар факат улуг ёувчиларгагина муяссар бўладиган бўлакча бир куч билан ёзилган, кандайдир куз офтобидай тиник ва илик нурга йўғрилган. Лекин куз канчалик илик бўлмасин, келаётган кишининг дараги сезилгандай бу саҳифаларда ҳам бўлажак фожианинг совук нафаси сезилиб туради. Гарчанд ёзувчи келажакда рўй берадиган фожа хақида бир огиз бир нима демаса-да, сиз буни негадир сезасиз, худди инсон ўзини кутаётган бахт ва бахтсизликни олдиндан сезганидек, ёмон бир нарсалар рўй беришини олдиндан хис киласиз. Шунинг учун ҳам бу саҳифалар сизни тиник ва хазин куйдай титратади. Сиз баъзан куласиз, баъзан жилмаясиз, лекин юрагингизни чулгаб олган гамгин туйгудан кутулолмайсиз.

Мен ўз бошимдан кечирган арзимас тажрибамдан биламан: китобхонни бу куйларга солиш, бўлгуси бўронларнинг совук нафасини олдиндан билдириш унча-мунча талантга муяссар бўлавермайди!..

\* \* \*

Юкорида мен Отабек билан Кумушнинг илк учрашуви сал сунъийрок туюлади деган эдим. Лекин мана, кўп йиллик айрилик, хижрон доғлари ва висол орзусида ўтган машъум йиллардан кейин улар яна учрашадилар...

Ўртача ёзувчининг калами остида мелодраматик сахнага айланиши мумкин бўлган бу лавха шундай нозик бир дид, шундай шафкатсиз реалистик бўёқлар билан тасвир килинганки, мен бу эпизодни романнинг энг зўр жойларидан бири деб хисоблайман! Мана, ўша учрашув, яна ўша икки суюшган калб, лекин бу сафар илк мухаббатнинг тотли нафасига маст бўлиб, ўзларини йўқотиб кўйган икки ёш эмас, балки хаёт синовларида чиниккан, кўп бўрон ва довуллардан ўтиб, ўзларини тутиб олган икки оқил одам

учрашади!

«...Отабек кавушини дахлизга ечди-да, уй бўйича бир-икки кайта юринди ва энтикиб нафас олди. Шу вақт тахмонга осилган кирпўш ўз-ўзидан кимирлагандек бўлди. Бу кимирлашни Отабек пайкамади. Халиги кимирлаган кирпўш бирдан очилиб кетиб Отабек чўчиди... Биров тахмондан унга караб кулимсирар эди...

Отабек титрар эди. Бир оздан кейин иккиси ҳам ўзларини бирмунча тўхтатдилар-да, бир-бирларига томон юришиб келдилар ва сўзсизгина кучоклашдилар...»

Каранг: кахрамонлар на ох-воҳ чекишади, на уч йиллик азоб-укубатларини эслаб кўз ёши тўкишади, на бир-биридан ўпкалашади!

Рост, Кумуш кўзига ёш олади, лекин бу — кулги аралаш тўкилган ёш эди. Сўнг... қандайдир маънос бир нурга йўғрилган кочириклар, ҳазил-мутойибалар бошланади:

«— Сиз... кочкоксиз! — деди Кумуш.

— Сиз...

— Мен?

— Сиз кувлоксиз!

— Ажаб киламан! — деди Кумуш ва шапалоги билан эрининг юзига секингина уриб кўйди.

— Бу ёкка ҳам...

— У ёкка Зайнаб урсин!

— Зайнабнинг... уришга ҳақки йўк! Кумушнинг кўзида халигача кўрилмаган бир шодлик ўйнади.

— Тўғри айтасизми?

— Тўғри айтаман!

— Мана бўлмаса! — деди Кумуш. Отабекнинг иккинчи юзини ҳам силагандек килиб кўйди. Яна кулимсирашиб, термилишиб колдилар...»

Бу маънос ва ёруг кулимсирашларида, нозик кочирикларда айтилмаган, айтилишнинг хожати ҳам бўлмаган канча-канча дарду алам, меҳру оқибат, соғинган юракларнинг талпиниши, харорати, хаяжони, нидоси бор!..

«Ёзувчи бу лавҳада нозик дид ва меъёрни бирор жойда ҳам йўқотмайди, бутун бир сахнада битта ҳам ортикча сўз йўқ.

«Кумуш яна бир кулиб карагандан кейин уйдан чикди. Отабек энди тамом ўзини босиб олган, эндиги юрак уриши фақат халиги фаришта томонга ошиқишгина эди».

Ёзувчи учун бундай нозик жойдан «эсон-омон ўтиб олиш» — кил кўприқдан ўтиб олишдай гап!

\* \* \*

Хар бир ёзувчи яхши билади: кўп кишилар иштирок этадиган сахналарни ёзиш, айникса кийин бўлади. Эҳтимол, шунинг учундир, хар сафар романнинг «Кудаларни кутиб олиш» деган, айникса «Зимдан адоват» деган саҳифаларини ўкиганимда ёзувчига таҳсин айтаман.

Бу саҳифаларда катнашган тўққиз хотиннинг бирортаси ҳам «сояда» колмайди, уларнинг хар бири китобхоннинг кўз олдида туради. Бу сахнада Ўзбек ойимнинг соддалиги ва думбуллиги, Офтоб ойимнинг босиклиги ва оқиллиги, Кумушнинг уятчанлиги ва самимийлиги, Зайнабнинг ҳасадгўйлиги, Хушрўйбибининг золимлиги ва мугамбирлиги, куда томонларнинг адовати, ҳаммаси шундок «лўп» этиб кўринади.

Ўзбек аёлларининг ўзига хос викор ва соддаликлари, иззат-икромлари, ажойиб сўз ўйинлари, нозик кочириклари, коса тагига ним коса яшариб гапиришлари-чи? Ёзувчи бу бобда мохир шахматчига ўхшайди, шатранжнинг бирорта донаси хам «четда» колмайди, унинг кўл остида хаммаси ўйнайди, айна замонда бу ўйин ички бир драматизмга тўла. Шу бобда биз кундош билан учрашган Кумушнинг изтиробларинигина эмас, биринчи марта Зайнаб хам тирик жон эканини, у хам чукур кечинмаларга кодир эканини чуқуррок хис киламиз.

ИИИ

Бугун «Мехробдан чаён»ни кайта ўкиб чикдим. Роман галати таассурот колдирди менда. Китобни очишим биланок факат Абдулла Кодирийгагина хос бўлган бўлакча бир миллий рух, иликлик, самимият ва меҳр юрагимни жиз эттириб, дилимни равшан килди. Романнинг илк саҳифаларида ёзувчи менга, лабида табассум, суюкли фарзандларининг ўйинини кузатиб, уларнинг шўхлик ва эркаликларидан завкланиб, айвонда чой ичиб ўтирган меҳрибон отага ўхшаб кўринди. Ота ўз фарзандларининг факат фазилатларинигина эмас, уларнинг камчилик ва нуксонларини хам кўради, лекин меҳрибон, вазмин одам, уларни каттик койиб кўнгилларини огритгиси келмайди. Рост, тўнгич ўгли Махдумнинг баъзи киликлари отанинг гашини келтиради, лекин аклли одам, ўглининг хатти-харакатларидан даргазаб бўлиб гапирса, дастурхон атрофида ўтирган хамсухбатларининг (китобхонларнинг) таъбини тиррик килишини билади, шунинг учун хам тўнгич фарзанди хакида дам юмшок кулиб, дам билинар-билинамас истехзо билан гапирди. Ўхтин-ўхтин, Махдум хаддидан ошиб кетган пайтлардагина, меҳрибон падарнинг кўзида ўт чакнайди, бироқ нима бўлганда хам пуштикамаридан бўлган фарзанди эмасми, кахри газаби дархол сўниб, ташвиш ва изтиробга айланади. Лекин Анвар — Раъно достонига ўтиши билан ёзувчи худди суюкли кенжатоилари хакида гапирётган отани эсга солади. Хар бир ота ўз кенжатоиларининг нуксонларини кўрмаганидек, Кодирий хам аввалбошда энг суюкли кахрамонларининг камчиликларини кўрмайди, унинг хикояси хиёл майинлашади, овозида эркалаш оханглари пайдо бўлади. «Раъно яна бир неча гужумларни териб узатди.

— Кани юмушингиз?

— Сенда нима юмуш бўлсин, Раъно? Хар кунги ўзинг билган гап... сўзлашиб ўлтирамиз; узум тўкилса, менга териб берасан, деб чакирган эдим.

— Дадам хуфтандан кайтиб колади. Гапингиз бўлмаса, мен кетаман.

— Хуфтан хали ўкилган эмас, азон хозир айтилди. Башарти дадамиз хуфтанни ўкимай келиб колса, бунинг хийласи осон: дарров анави гулнинг тагига яширинамиз!

— Башарти дадам бизни кидириб, гулнинг тагидан топса, нима киламиз?

— Нима килар эдик?.. Сен уйингга кетасан, мен бўлсам меҳмонхонага.

— Икковингиз гулнинг тагида нима килиб ўлтирган эдингиз, деб сўраса, нима жавоб берамиз?

— Ўзимиз ўлтирган эдик, деймиз.

— Нима учун, деса-чи?

— Кизингиз уялгани учун, деймиз...»

Раъно-ку, майли, ёш бир кизча, лекин Мирзабоши лавозимида кўтарилган Анвардай йигитнинг «дарров анави гулнинг тагига яширинамиз» деб гапириши... жуда галати туюлади. Рост, мухаббат, бу улуг инсоний туйгу, баъзан катта одамни хам ёш болага

айлантириб кўяди, лекин, хар холда, бундай сахна ва бундай тасвирлар ёзувчининг ўз кахрамонларига ўзгача меҳридан далолат беради. Шу сахнанинг охирида Анвар Раънодан тўйга розилик олади:

«— Чинингми?

— Чиним!

— Хўп бўлмай. Мен, эртага, тўйимиз кўкламга бўлсин деб жавоб айтаман... Ерлар кўк гиламлар билан безалганда, хар тарафни бинафша чечаклари босган, кушлар уя кайгусини чекканда биз ҳам тўй килармиз, чимилдикда бахт созини тинглаб, истикбол куйини куйлармиз... Шундайми, Раъно?

— Шундай...

— Ундан сўнг менинг огушимда шунинг цингари даданг келиб қолишидан кўркиб, киши кўлига тушган куш боласидек типирчиламасан. Шу хуснинг, шу малохатинг ва шу латофатинг билан тамом меники бўларсан, шундайми?»

Албатта мен, оддий китобхон, ўша окшом Раънодан илк бўса олган Анварнинг холатига тушуниб турибман. Бу маъсуд дамларда унинг кўнглидан худди шу гаплар ўтганига, дилида худди шу туйгулар жўш урганига ишонаман, лекин буни Раънога айтиши, айникса шундай ширин-шакар сўзлар, чиройли иборалар би-лан ифода қилиши... Менга сал «галатирок» туюлади... Лекин кизик: бу сахналарда жиндек сентименталликка йўл қўйган ёзувчи Анвар — Раъно фожиаси тасвирланган саҳифаларда, сарой ҳаётига бағишланган бобларда шафкатсиз реалистик услуби билан хайратга солади кишини! Раънога фотиха ўқилиб, Махдум буни «истикболнинг хайрли фоли, файзи илохий», деб қувонган куннинг эртасига Анвар бу мудҳиш хабарни эшитади ва сўнгга марта Раъноларникига боради.

«Вакт намозшомдан оккан... Шом намозини ўқиб қайтган Махдум меҳмонхонанинг эшигини очик кўради. Анварнинг келганини фахмлаб, у билан кўришишни истамай ё истаса ҳам нимадандир ҳадиксираб, тўгри ичкарига ўтади. Йигидан киприклари терилиб, чуқур андиша ичида бошини қуйи солган Нигор ойим ош кўтариб меҳмонхонага қиради ва Анварнинг:

— Нега йиглайсиз?... Сиз шундай бўлсин деганмидингиз? — деган гапларига жавоб бермай, йиглаган қуйи меҳмонхонадан чиқиб кетади...

«...Анвар ошдан бир-икки лукма олиб, кўлини артди, сандал кўрпасини бағрига тортиб, кучли ва узун тин олди.

Чирогпоядаги шам бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхонани аранг ёритар, шамнинг титроги билан кўзини бир нуктага тиккан Анварнинг хозирги ҳаёлчан юзи ҳам калтирагандай кўринар эди. Меҳмонхона тип-тинч, факат бу тинчликни ташқаридан ёккан ёмғирнинг кучсиз шитирлаши, ўқтин-ўқтин кўзгалиб қўйган шамолнинг даричага келиб урилиши ва аллақайси том бошидаги бир мушукнинг мовлаган товуши бузар эди...» Бу ердаги хар бир сўз, хар бир детал — ярим коронги меҳмонхонадаги ўлик сукунат, ёмғирнинг шитирлаши, томдаги мушукнинг мовлаши, ҳаммаси Анварнинг юрагидаги тугённи ифода қилади, ёзувчи унинг рухий холатини тасвирлаб ўтирмайди, чунки бу холатни битта гап билан: «Чирогпоядаги бедиллар юрагидек титраган шам ёругида Анварнинг ҳаёлчан юзи ҳам калтирагандай кўринар эди», деган биттагина жумлада ифода қила олган... Орадан бир пиёла чой ичиш фурсати кечганда... Меҳмонхонанинг дахлизиди, кўлида чойдиш, Раъно кўринди. «Икки кўзи кип-кизариб, ковоклари шишиб, кўпчиган, юзида ҳам зўриқиш аломати бор эди. Ерга қараган холда озк чойдишни Анварнинг ёнига келтириб қўйди, токчадаги пиёлани олиб чойдишдаги чой билна

чайкади, пиёлани сочиклагач, яна чайиб иккисини Анварнинг ёнига сурди ва бирдан ўкраб юзини танча устига кўйди...»

Тасвирнинг шафкатсизлигини сезяпсизми? Ёзувчи Раънонинг йигисини кўрсатишга ошикмайди, аксинча, унинг хар бир харакатини энг майда тафсилотлари билан кўрсатишга тиришади, лекин ажабо, ёзувчи Раънонинг кечинмаларини тасвирламаса ҳам сиз унинг тўлиб-тошиб турганини аник хис киласиз, унинг хатти-харакатларини кузатар экансиз, юрагини ларзага солган тугён тобора ортиб бораётганини ва пировард портлашини сезиб турасиз, шунинг учун ҳам ниҳоят ўпкаси тўлиб «бирдан ўкраб танча устига бош кўйганида» беихтиёр кўзингизга ёш оласиз...

Бу сахнада Анвар билан Раъно сизнинг кўз олдингизда камида ўн ёш улгайди. Севикли кахрамонларининг бошига тушган мусибатни улкан реалистларга хос бир шафкатсизлик билан тасвирларкан, ёзувчи Махдумни ҳам аямайди. Романнинг бошида унинг баъзи киликлари хакида мулойим кулимсираб гапирган адиб, бу бобда, ўглининг пасткаш хатти-харакатларини билиб колган адолатли отадай уни аёвсиз жазолайди.

Кечкурун шом намозидан кайтаётгандаёк Анвар келганини пайкаган Махдум икки дилпоранинг мунгли сухбатини бўлиб мехмонхонага кириб келади. Кечагина Анвар Мирзабоши лавозимига кўтарилганда тўйни тезлатиш тараддудига тушиб колган одам, бугун Анварга хатто салом ҳам бермайди. Чунки кеча бизда табассум уйготган хасислиги бугун, хонга кайната бўлиш бахти олдида, саройдан келадиган олтинлар олдида пасткашликка, чинакам разолатга айланади.

«Ичкарига кир, Раъно, бевакт бу ерда нима килиб ўтирибсан?»

Бу гап Анварнинг, факат Анвар эмас, китобхоннинг ҳам вужудини «гизз» эттириб юборади. Романнинг бошида Махдумнинг киликлари ва зикналикларини кулимсираб кузатган китобхоннинг калбида энди жирканч ва нафрат уйғонади. Бу нафратни ҳаммадан кўра Раъно яхши ифода килади. Кечагина укаси билан «Лой ўйнаб» юрган киз, шу топда отасининг бутун шафкатсизлигини, бемехр, багритош бир одам эканлигини дил-дилидан хис этади ва газабдан титраб:

«Андишасиз!» — деб хитоб килади. Бу худди сизнинг кўнглингиздаги гап! Шунинг учун ҳам Раъно кўзига жикка ёш олиб, мехмонхонадан чиқаркан, калбингизда унга нисбатан бўлакча бир меҳр ва хурмат уйғонади.

«Меҳробдан чаён»нинг энг зўр жойларидан бири хон харами ва кирк кизлар хаётига багишланган саҳифаларидир.

Адабиётимизда хон харамига тушган бахти кора кизлар хакида анча-мунча асарлар бор. Бу асарларнинг ҳаммаси бир-бирини такрорлайди, камбагал дехконнинг сулув кизи бўлади. У холасинингми, аммасинингми ўглини яхши кўради. Лекин хондан карздор бўлиб колган камбагал дехкон карзини тўлай олмайди-ю, унинг эвазига кизини хонга тортик килишга мажбур бўлади. Севгилисидан жудо бўлган бечора киз, хон саройида хижрон догида ёна-ёна охири сил касалига учраб ўлади... Худди шундай хикоя «Меҳробдан чаён»да ҳам бор. Лекин бу хикоядан ҳам кўра кирк кизларнинг кундалик хаётини тасвирлаган саҳифалар дахшатга солади кишини.

Харамга келтирилган кунлари бир-икки кеча хоннинг «илтифотига сазовор бўлиб», кейин ўз холига ташлаб кўйилган бу чиройли, соглом кизлар тўрт девор ичида ўзларини каёкка уришни билишмай тўлганишади, зерикканларидан, азбаройи димикканларидан харамга кириб келган хар бир одамга ёпишишади, уни эрмак килишади. Лекин харамнинг дарвозаси кулф, эркак зоти у ёқда турсин унга кирадиган аёллар ҳам санокли. Шунинг учун ҳам Гулшаннинг харамга келиши канизлар учун катта ходиса, эрмак, хатто байрам,

шунинг учун ҳам ховли юзида копток ўйнаб, яланг оёк, яланг бош кувлашиб юрган кизлар уни кўриб олдига югуришади, кулги ва кийкирик билан карши олишади:

«Эсонмисиз!... Эрингиз ўлмадими? Шахар йигитлари омонми?» — деб хазиллашади. Гулшаннинг: «Бўлди, бўлди! Шўх байтал ўлгурлар!» деган хитобига: «Тўк байтал! Тўк байтал!» деб тегажоклик килишади. Кейин уни ҳам ўйинга тортишади ва Гулшан юткизганда «хих, эшагим!» дейишиб, оркаси ягир бўлгунча устига минишиб ўйнашади. Кечаси эса базм куришиб, мунгли лапарлар айтишади. Лекин хар бири бир йигитни бахтли киладиган бу мазлумаларнинг гўзал баз-мини тўрт девордан бошка ким кўради, шўх ва гамгин лапарлари қайси йигитни шайдо килади?.. Иўк, бу гўзал базмни, тўрт девор орасига камалган парилар ўйинини уларнинг ўзларидан бошка хеч ким томоша килолмайди. Шунинг учун ҳам бу лапар ва ўйинлар кизларнинг дилини баттар китиклаб, ушалмас орзулари чинакам изтиробга айланади, шунинг учун ҳам базмдан кейин аламзада кизларнинг хазил-мутойибалари дагаллашади, «кўйлак ечар, иштон солар» каби шарм-хаёсиз ўйинлар бошланади.

Биринчи карашда бир оз «ялангоч» туюлган бу сахна хон саройида сил бўлиб ўлган кизлар хақидаги хар канака хикоядан ҳам каттиқрок таъсир этади кишига. Бу саҳифалар сизни титратмай иложи йўк, чунки шафкатсиз реалистик куч билан ёзилган бу сахналарда инсоннинг энг улуг фожиаси — мухаббат ва она бўлиш бахтидан умрбод маҳрум бўлган аёллар фожиаси бор.

«Мехробдан чаён»ни бир неча марта ўқиганим холда унинг «Кизиклар» деган бобини факат бир марта ўқидим.

Билмадим, эхтимол бу бобдаги кизикларнинг кизикчилиги ва аскияларини «эшитиб» завкланадиганлар бўлса бордир, лекин мен «томоги остидаги чўгир ковундек бўкков говлаб ётган мулла Бахтиёрни, кир яктагидан бадани кўринган, бир кўли билан елкасини кашиб, иккинчиси билан иштонбогини ушлаб олган Баҳром кизикни» кўз олдимга келтирганимда мен бу аскиялардан эмас, ёзувчининг сатирик кудратидан койил колдим. Чунки «бурни ўрнида юкорига караб курбака ўрмалаган махлукнинг» ташки киёфасидан, хунуклик ва ифлосликда бир-биридан ўтган бу кизикларнинг: «Бир пой кафшни еб кўйибсизлар-ку» ёки: «Бўкогинга кафшнинг ўкчаси тикилиб колипти-ку!» ёки: «Сингли талок битни кочирдим-да!» каби «аскиялар»ни ўқиганда: нахот шундай «кизикчи»ликдан завк олган Худоёрхондай примитив одам Ўрта Осийодай катта бир ўлкани ўн йиллар давомида идора килган бўлса?! — деган ўйга борасан. Бу ўй дахшатта солади кишини. Ёзувчининг асл максоди ҳам китобхонда худди шу фикрни уйготиш бўлса керак.

\* \* \*

Китобни ёпиб узок ўйга толаман: бу улкан ёзувчи хаёт бўлганда адабиётимиз яна кандай дурдоналар билан бойир эди?

Одил Ёкубов. 1969 йил

